

24 соат ичида

Шри-Ланкада мамлакат ҳарбийлари ва айирмачи гуруҳ ўрта-суда тўқнашувлар рўй берди.



Тўқнашув оқибати

Икки кун давом этган тўқнашувлар оқибатида 47 киши ҳалок бўлди, дея хабар тарқатди «Блумберг» телеканали.

Эслатиб ўтамиз, Шри-Ланка ҳарбийлари томонидан жорий йил бошидан буюн айирмачи гуруҳнинг 3376 аъзоси ўлдирилди.

Фавқулодда ҳолат эълон қилинди

Шу кунларда Мьянмада кучли сув тошқини кузатишмоқда.



«Франс пресс» ахборот агентлиги хабарига айтилишича, «Наргис» номли бу циклон 351 кишининг ҳаётига зомин бўлди.

Табиий офат пойтахт Янгондаги биноларни вайронга айлантирган. Телефон, интернет тармоғи ҳам ишламаяпти. Шу боис, ҳукумат мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилди.

Илм-фанда янгилик

Бразилияда 14 турдаги жонивор кашф этилди.

Бир гуруҳ тадқиқотчилар томонидан олиб борилган изланишлар шундай натижага кўрсатди. Хабарларга кўра, янгилик мамлакатдаги Серрадо шаҳри ҳудудида яратилган.

Парранда гриппи оққушларда

Инсон ҳаёти учун ўта хавфли «H5N1» парранда гриппи Япониянинг Нокуц ярим оролида аниқланди.

Бу ҳақда мамлакат экология вазири маълум қилди. Хабарларда келтирилишича, мазкур вирус яриморолдаги оққушларда учраган. Айни дамда ҳукумат яриморолдаги ва Акита, Аомори ҳамда Хоккайдо шаҳарларидаги барча қушларни текширувдан ўтказмоқда.



Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Бугунги кунда макроиктисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик моддий неъматлар ишлаб чиқариш борасида қудратли омилга айлиниб бормоқда. Ҳар қандай тадбир ҳам иқтисодиий жиҳатдан қўлаб-қувватланганда амалий аҳамият касб этади. Шу туфайли Юрбошимиз ташаббуси билан кичик бизнесни имтиёзли тарзда сармоялашга ихтисослашган янги банк ташкил этилди, яъни 2006 йил 5 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

«МИКРОКРЕДИТБАНК» САРМОЯЛАРИ – БУЊЁДКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ХИЗМАТИДА

Мазкур янги микросармоялаш ташкилоти иш бошлаганига ҳам, мана икки йил бўлди. Бу давр мобайнида ўз ширини «Микрокредитбанк» сармоялари – тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида – дея бошлаган ушбу банк томонидан қандай ишлар амалга оширилди?

Банк фаолиятини йўлга қўйиш тез фурсатда белгиланган Низом қанитали шаклларида ва кичик бизнес субъектларига микросармоялар ажратила бошланди. Табиийки, сармоялар, асосан, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилди. Яъни меҳнат фаолиятларини яқна тартибда бошлаганлар, оилавий бизнесни ташкил этганлар, касаначилар ҳамда фермер ва деҳқон хўжаликлар, микрофирмалар оған тадбиркорларга мадд берилиши кирди. Бу борада эътибор табиий ресурсларга бой бўлган чекка ҳудудлардаги қишлоқ ва овуларга қаратилди. Натижада, жойлардаги боғларнинг мева-яшилари шартли равишда қуритилган маҳсулотлар тайёрлаш ишлари микросармоялар ажратилди. Айниқса, узоқ йилларда мўл-кўл бўлган жун ва тери маҳсулотларидан турли-туман зарур кийим-кечак ва рўзгор ашёлари ишлаб чиқаришга, чорвани кўпайтиришга маблағлар ажратилди, ҳар хил ўсимликлардан шифобахш ва тансиқ мойлар ишлаб чиқаришга кўмаклашилди. Бир сўз билан айтганда, бу фаолият тадбиркорга ҳам, элга ҳам фойда келтира бошлади.

Кейинги йилларда банклар билан мижозлар ўртасида узоқни кўзловчи ва фойдалани муносабатлар йўлга қўйилди. Банк эндиликда сармояни берганидан кейин унинг қайтишини кутиб, четдан кузатиб турмайди. Мижоз имкониятлари илгаридан ўрганилади, керак бўлса, кўмаклашилади, консалтинг хизматлари кўрсатилади, зарур бўлганда, мижозлар ўқитилади. Мижозлар учун семинарлар ташкил этиш давримизнинг энг пешқадам банклари аънаънаси бўлиб, бу тадбир сармояларнинг самардорлигини таъминловчи энг мақбул омилдир. «Микрокредитбанк» ўз мижозлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган экан, ана шу аънаънадан унумли фойдаланди.

Авалгига банкнинг ходимлари ўртасида семинарлар ташкил этилди. Кейинчалик мижозлар жалб этилди. Хозирда шундай қоида сақланиб қолганки, мижоз микрокредит олгу-

нига қадар банкнинг камда иккита семинарида қатнашади.

Энг яхши тадбиркорларни топиш борасида банкнинг ўзи кенг қўламада ташкилий ишлари амалга оширди. Аввало, банкнинг агентлари ташкил этилди. Улар хўнари, билимдон ва ишбилармон кишиларни қидирди, яқиндан алоқа боғлади. Маҳаллаларда микросармоялаш хизматлари борасида суҳбатлар, учрашувлар олиб борилди. Муносиб тадбиркорларни аниқлаш ва улар билан ҳамкорлик қилиш борасида «Микрокредитбанк» турли жамоатчилик ташкилотлари – Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Оқоқоллар Кенгашининг «Маҳалла» жамғармаси, Савдо-саноат палатаси, Ишбилармон аёллар уюшмаси, Ижтимоий ташаббуслари қўлаб-қувватлаш жамғармаси, «Хўнари» уюшмаси ва турли вазирликлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Натижада банк ташкил этилганидан буюн имтиёзли микрокредитлар ажратиш ҳажми ойдан-ойга ошиб борди. Хозиргача ажратилган микрокредитлар миқдори 64,8 миллиард сўми ташкил этди. Бу микросармояларнинг 25,2 миллиард сўми 2006 йилда берилган бўлса, 39,6 миллиард сўми ўтган йил давомида ажратилди. Ушбу микрокредитларнинг 96,3 фоизи узоқ муддатли микрокредитларни ташкил этди. Ушбу микрокредитларнинг 34,5 фоизи ёки бошқача айтганда, 22 миллиард сўми чекка ҳудудлардаги мини-банклар ва агентликлар томонидан ажратилди.

«Микрокредитбанк» фаолияти учун эътибори яна битта муҳим қўрсаткич бор. У ҳам бўлса, оз миқдорда сармоя олиб, катта яратувчилик ишларини бошлаган мижозлар сонининг кўпайишидир. Ўтган йил банкнинг яқна тартибда фаолият юритаётган тадбиркорларга ажратган микрокредитлари миқдори 5 фоиздан 21 фоизга кўпайди. Ўз тадбиркорлик фаолиятини «Микрокредитбанк» билан ҳамкорликда бошлаётганлари сони йилдан-йилга кўпайиб бораётгани мазкур микросармоялаш ташкилотининг мижозлар ҳаурига қанчалик тезлик билан кириб бораётганини бел-

ликовчи қўрсаткич ҳисобланади. Мазкур, ўтган йил давомида янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари учун бошланғич сармоя сифатида ажратилган микрокредитлар ҳажми 2006 йилдаги нисбатан 5,7 баробарга ошди.

Банкдаги ибратли ишлар тўғрисида гапирадиган бўлсак, кўз олдимизга халқимиз учун ҳаётий зарур бўлган маҳсулотлар тайёрлаб бераётган қорхоналар ва турли хизматлари билан элимизнинг оғирини енгил қилаётган кичик бизнес субъектлари келади. Вилоты маркаси – Навоий шаҳридан чўл бағрига қараб яна қайрилиб 300 километр кириб бора-



нингиздаги Томди туманида ҳам банкнинг мижози бор. У «Жигер» кичик қорхонасининг ташкилотчиси – Фарида Мухамеджоновадир. Ф. Мухамеджонов «Микрокредитбанк» дан 5 миллион сўм миқдорда микрокредит олиб кизга маҳсулотлари босишини йўлга қўйди. Оқ ва қора кизлар миллий нақшлар билан безалди. Кейин кичик қорхона ўтовлар учун кизиз босишга жам қилди. Бу иш янги уфқларни очди. «Жигер» чеварлик ишлари билан биргаликда ўтов ҳам ишлаб чиқара бошлади. Унинг ёғочлари Қорақалпоғистондан келтирилди. Чунки бу мақсад учун ишлатиладиган ўсимлик айнан шу ҳудудда ўсади. Тадбиркор тайёрлаб биринчи ўтов туман марказига тикилди. Олинган микросармоя дастлабки бир неча ўтовлар ҳисобидан

тезда қолгани ва қайтарилди. Муҳим, бугунги кунда «Жигер» кичик қорхонаси моддий жиҳатдан ўзини тиклаб олди. Унинг чўпонлар учун жуда қўлай ва роҳатхона ҳисобланган ва Томдибўлоқда мўл бўлган жун ашёсидан тайёрланаётган «қўйма ў»ларига бугунги кунда талаб катта.

«Микрокредитбанк»нинг қўлаб-қувватлаш ишлари хўнарида қўлаб-қувватланди. Чунки хўнари билан сармоя унумли бўлишига қўлаб-қувватлаш зарур. Чунки хўнари билан сармоя унумли бўлишига қўлаб-қувватлаш зарур. Чунки хўнари билан сармоя унумли бўлишига қўлаб-қувватлаш зарур.

Молия муассасаларида

лашганда чинакам яратувчилик мўъжизалари рўй беради. Мамлакатимизнинг Шимолий-Ғарбий ҳудудларининг четида балиқчиларнинг Мўйнок шаҳри бор. Санъат институти тугаллаб, бадий либос тикиш сирларини яхши ағгаллаган Гулнора Ембер-

чию мўназир. Ичқаридаги қабул залидаги компьютерда ишлаётган банк ходимининг ёнига мижоз учун жой ажратилган. «Микрокредитбанк»нинг барча филиаллари ўз мижозлари билан яратувчилик ишларини амалга ошириш йўлида шу тарзда, ҳар қандай тўсиқларсиз ишлашни йўлга қўймоқда.

Банк аҳоли ўртасида, маҳаллалар билан яқиндан мулоқот олиб бормоқда. Айниқса, бу борада ўтган «Ижтимоий ҳумоя йили»да қўлаб-қувватлаш ишлари қилинди. Банк «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда ҳар бир ҳонадонга кириб боришга, кам таъминланган оилаларни аниқлашга ва уларнинг имкониятлари доирасида тадбиркорлик ишларига жалб этишга ҳаракат қилди. Аҳолининг кам таъминланган, кўмак ва ёрдамга муҳтож қатламларини моддий қўлаб-қувватлаш, уларни меҳнатга жалб қилиш орқали даромад манбаи билан таъминлаш мақсадида 6 708 кам таъминланган оилага чорва моллари сотиб олиш учун 6,2 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

Бундан ташқари банк республика Кўзи оғизлар ва Ногиронлар жамиятлари каби жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Ногирон ва жисмоний имконияти чекланган кишиларнинг оилалари учун доимий даромад манбалари яратиш мақсадида уларнинг имкониятлари ва талабларини ҳисобга олган ҳолда тадбиркорлик, яқна тартибда меҳнат фаолиятини юритишлари учун шароитлар яратилди. Навоий вилоятидаги учта, Бухоро ва Хоразм вилоятларидаги бир неча бошлар уйи билан доимий мулоқот ўтказиб келинди. Уларга даромад

жаноз бозори талаблари даражасидаги буюмлар ишлаб чиқаришмоқда.

Банкнинг Андижон вилоятидаги Куйганер филиалининг каттагина биноси янги ҳизматларга мослаштирилди. Асосан мижоз билан банк ходими ўртасида турадиган пештахта – тўсиқ олиб ташланди. Кираверишдаги катта зал ошмоққ ўриндиқлар, диванлар, стол ва стуллар билан жиҳозланиб, кутубхона йўлга қўйилди. Бу ерга кўндалик газета-журналлар қўйилди. Доимо мижозлар учун иссиқ қаҳва ва бир пиёла

манбаларини кўпайтиришлари, ўз бизнесларини юритишлари учун имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Андижон вилоятида кам таъминланган оилаларга 20 нафар фарзанд банк оталигига олинди ва уларга суннат тўйи қилиб берилди. Бу бошлар институти тугаллашуларини банкнинг диққат-эътиборида бўлади.

Ешлар – келажгимиз. Президентимизнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган «Еш оилаларини моддий ва маънавий қўлаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва унинг доирасида амалга оширилаётган ишлар қўлама кенгайди. Кўпгина ёш оилалар моддий жиҳатдан қўлаб-қувватланиб, тадбиркорлик ёки хизмат кўрсатиш соҳасининг имкониятларидан манфаатдор бўлишаётир. «Микрокредитбанк» 2007 йил мобайнида ёш оилаларга жами 16,6 миллиард сўм сармоялар, жумладан, 8483 ёш оилага 11,3 миллиард сўм миқдорда микрокредитлар ажратди. Хусусан, узоқ муддатли фойдаланиладиган товарлар олиш, тўй маросимларини ўтказиш, биринчи фарзанд эҳтиёжлари учун 4 321 ёш оилага 5 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Банк жамоаси Президентимизнинг 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида ҳам талайгина ишлар бажарди. Жумладан, ушбу қарорни тарғиб қилиш мақсадида мазкур соҳа вакиллари ўртасида «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги энг яхши лойиҳа» қўрик-танловини ташкил қилди. Қўрик-танловга тақдим этилган ишлар асосан саргаршоҳона, суратхона, стомасервис, ташхис қилиш хизмати ва умуман қишлоқ жойларида хизмат соҳасини ривожлантиришга оид ўнлаб лойиҳалардан иборат бўлди.

Айни пайтда «Микрокредитбанк» маблағларидан фойдаланиб тадбиркорлик билан шуғулланаётган аёл тадбиркорлари сонига ҳам ортиб бораёпти. Шунинг таъкидлаб ўтиш керакики, банк ўтган йил давомида тадбиркор хотин-қизлар учун 11,1 миллиард сўм миқдорда микрокредитлар ажратди.

Президентимиз 2007 йил январада бағишланган ҳукумат мажлисидаги маърузасида «Банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўлаб-қувватлаш учун тақдим этилган кредитлар бир йилда 36 фоизга, тадбиркорлар ва хусусий шахсларга берилган микрокредитлар миқдори эса 70 фоизга кўпайди» деган эди. Бу маблағлар халқимиз фаровонлиги учун «Микрокредитбанк» сингари молиявий ташкилотлар томонидан яратувчиликка сарф этилаётган сармоялардир.

«Микрокредитбанк» бугун тадбиркорлар билан ишлаш ва айнан мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш борасида муайян таъриба тўлади. Унинг мижозлари сони йил сайин эмас, балки кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Ўтган йилда тадбиркорлар учун ажратилган кредитлар миқдори 56 миллиард сўми ташкил этди. Яъни банк ўтган йилнинг ўзига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 2006 йилга нисбатан 2,2 баробар кўп миқдорда кредитлар ажратди. Мазкур микрокредитлар ва кўрсатилган микролизи хизматлари эвазига 40 миңдан ортиқ иш ўринлари ташкил этилди. Бу қўрсаткич ҳар бир ҳонадоннинг ободлиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга қўшилган аризулик ҳиссадир.

Дилшод УЛУГМУРDOV. 1

Республика Кўчмас мулк биржаси Сурхондарё вилояти филиали нархлари ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига вилоят хўжалик судининг 2006 йил 28 июлдаги 19-0609-03-2080-сонли ва 2006 йил 20 июндаги 19-0604-1576-сонли ижро варақаларига асосан, Термиз шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, «Термиз нои» МЧЖга тегишли, Бобохўжаев кўчаси, 3-уйда жойлашган, 3 қаватли, 70 хонадан иборат, фойдаланиш майдони 1265,75 кв.м. бўлган маъмурий бино ва хўжалик бинолари.

Бошланғич баҳоси – 68 423 272 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 23 май куни соат 11.00 да Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, «Тадбиркорлар маркази» биносига ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Оқоридидаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжатининг рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Сурхондарё вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт: «Даврбанк» Термиз шаҳар миқно бўлими, х/р 20210000700571452053, МФО 00981, ИНН 200933850.

Кўшимча маълумотлар учун телефонлар: 770-85-90, 227-25-49.

Лицензия DB 001 № 000004.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

нархлари ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

- I. Хоразм вилояти хўжалик судининг 2006 йил 16 октябрдаги 3621-сонли ижро ҳужжатида асосан Урганч шаҳар суд ижрочилари томонидан хатланган, «Хоразмқурилиш» ОАЖга қарашли, Урганч шаҳри, Пахлавон Маҳмуд кўчасида жойлашган, пойдевори бетондан, девори лишиқ ғишдан қурилган, қурилиш ости ер майдони 860,0 кв.метрни ташкил қилган уч қаватли ётоқхона бино ва иншоотлари.**
Бошланғич баҳоси – 166 236 174 сўм.
- II. Хоразм вилояти хўжалик судининг 2007 йил 24 декабрдаги 10308-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилари томонидан хатланган, «Туямўйин Урганч» минтақаларо сув қувурларидан фойдаланиш бошқармасига қарашли, Урганч шаҳри, Ал-Беруний кўчаси, 15-уйда жойлашган, умумий ер майдони 14296,65 кв.метрни, шундан қурилиш ости ер майдони 545,91 кв.метрни ташкил қилган, 3 қаватли маъмурий бино ҳамда ёрдамчи бинолари.**
Бошланғич баҳоси – 207 280 000 сўм.
- III. Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2007 йил 19 июлдаги 1-357/2007-сонли ижро варақасига асосан, хатланган, «Хоразм автотўл» магистраль йўлларида фойдаланиш бошқармасига етказилган зарарни қоплаш учун мусодала қилинган, «Ниссан-Патруль» русумли, давлат белгиси 30С5445 бўлган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, техник соҳ ҳолатидаги автотранспорт воситаси.**
Бошланғич баҳоси – 50 804 556 сўм.
- IV. Хоразм вилояти хўжалик судининг 2007 йил 16 мартдаги 370-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, «Хоразм вилояти МТП бирлашмаси» очик акциядорлик жамиятига қарашли бўлган ва Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси, 36/2-уйда сақланаётган: - «Магнум-8940» русумли, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 15-73 ЕН бўлган, техник соҳ ҳолатидаги трактор, бошланғич баҳоси – 96 560 000 сўм; - «Магнум-8940» русумли, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 15-74 ЕН бўлган, техник соҳ ҳолатидаги трактор, бошланғич баҳоси – 97 800 000 сўм.**

V. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2007 йил 20 августдаги 1/415/2007-сонли ижро варақасига асосан, Урганч тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, «Корабайр» фермер хўжалигига қарашли бўлган, Урганч тумани, Беговот қишлоғида жойлашган, қурилиш ости ер майдони 2394,16 кв.метрни ташкил қилган чорва фермаси бино ва иншоотлари.
Бошланғич баҳоси – 77 948 096 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 20 май куни соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й. Бобожонов кўчаси, 23-уйда ўтказилади.

Юқоридидаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Хоразм вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт: АТИБ «Ипотека» банки «Тинчлик» филиали, х/р 20210000700571452056, МФО 00580, ИНН 200933850.

Кўшимча маълумотлар учун телефон: 226-32-63. Факс: 226-43-64. Лицензия DB 001 № 000004.

Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ

2008 йил 6 июнь куни соат 11.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциациясини биносига ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги мулкни қўймоқда:

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2008 йил 7 апрелдаги 4987/3-сонли ижро ҳужжатида асосан, тақдим этилган Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси, 19-дахасида жойлашган «Урор» хусусий қорхонаси ховлисида сақланаётган, давлат рақами 30У88-04 бўлган, 1994 йилда ишлаб чиқарилган «ИЖ-2715» русумли автотранспорт воситаси (носоз ҳолда).

Бошланғич баҳоси – 1 500 000 сўм.

Ушбу мулкни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорда закалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг пулини «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» миқно банкидаги МФО 00417, «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» миқно банкидаги МФО 00417, СТИР 204325773, х/р 2020800080423476001 тулашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун арза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пуллари қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 238-69-94, 238-69-93. Лицензия DB001-000010.

ООО «CHIRCHIQ TEPLO SYSTEM»

ИСИТИШ СУВ ҚИНАТИШ

ҚОЗОНЛАРИ

Хавфсиз автоматика билан таъминланган

МОДУЛИ ИСИТИШ БЛОКЛАРИ

Табиий газ, суюк ва қаттиқ ёқилғи билан ишлайди

Чирчик шаҳри, Навоий кўчаси, 259.

Т/ф. 8 (370 71) 5-61-73, 5-40-62, т/ф. 5-59-87.

E-mail: chts.uz@mail.ru

Алоҳида ҳолда ИСИТИШНИНГ янгича ечими

Газда ишлайдиган АКОГ иситиш конвектори:

- хонани тезда иситади;
- белгиланган ҳароратни автоматик равишда бир маромада сақлайди;
- совуққа чидамли, сув, электр таъминоти ва газ босими ўзгариши учун таъсир кўрсатмайди;
- газни тежаб сарфлайди;
- бинолар, кotteжлар, дала ховлисидаги ўйларни иситишда унинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди.

Ишлаб чиқарувчидан эрзон нархларда тўғридан-тўғри етказиб берилади. Етказиб бериладиган маҳсулот сертификатланади.

Тошкентдаги телефон: 242-84-64, 242-93-73.

E-mail: ubcazia@rambler.ru


«PK TREXGORKA» ЁАЖ

- Ўзи ишлаб чиқарган том копламалари (рубероид)ни сотади.
- Ўз маҳсулотидан томларни юмшоқ қоплама билан қоплайди ва таъмирлайди.
- Қурилиш-монтаж ишларини бажаради.

Маҳсулот сертификатланган.

NSS UZ. 01.143.0513752

245-10-32, 245-11-72, 245-11-82



Кўпланда Зарафшон тоғ тизмалари этагида-ги Қоратепа адирлари фусункор манзара касб этади. Катта ўзбек тракти деб аталмиш «Тошкент — Термиз» йўлининг икки чеккасида ястаниб ётган бу салқин, хуштабиат гўша қашқадарёликларнинг севимли хордиқ маскани. Китоб туманининг катта сайиллари, Наврўз байрамлари шу ерда ўтади.

«Асрлар садоси»: СЕРҚИРРА ВА БЕТАКРОР БАЙРАМ



Жорий йилнинг 3-4 май кунлари Қоратепа адирлари, унинг бағрида жойлашган машҳур Қайнар қишлоғига мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан вакиллар, шу билан бирга, чет эллик кўлаб меҳмонлар ташриф буюриди. Икки куннинг ўртаси ранг-баранг кигиз, гилам ва кашталар билан безатилган ўтовларга тўлиб кетди. Ўртадаги сайхонликда тўрт минг томошабинга мўлжалланган улкан амфитеатр тикланди. Босиб бу ерда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми»-жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали бўлиб ўтди.



Лекин томошабиннинг кўз ўнгидан тандирдан узилган ширмон нону хилма-хил услубда пиширилган паловдан ўтадигани бўлмади.

Миллий спорт ўйинларининг ишқибозлари, айниқса, кўп бўлди. Кўпқари, кураш қадимий қоидалар асосида ўтди. Улоқни даврдан узиб чиққан чавандоз, рақибининг икки курагини ерга текизган полвон голиб бўлди. Дорбозлар арконда лангаршўйсиз юрши билангина эмас, оғир тوشни бошдан ошириб отиш, зил-замбил юкни

ердан бемалол узиши билан томошабинлар оқшишни олишди. Кўчқор, хўроз уриштирилган давралардаги қийқириқларнинг акс-садоси кўкка ўрлади.

Фольклор гуруҳларининг чиқишлари байрамга янада кўтаринки руҳ бағишлади. Бахшиларнинг дўмбрасидан таралган наволар қирдан кирга ошди. Фестиваль катта гала-концерт билан якунланди. Унда фольклор жамоалари билан бир қаторда мамлакатимиз санъат усталари, ёш ижрочилар иштирок этди. Тантаналар давомидан

ТРАНСАЭРО
АВИАКОМПАНИЯ

15 майдан самолёт бортида хизмат курсатишининг янги усули
ИҚТИСОДИЙ МАНФААТЛИДИР
МОСКВА — 242 евро ва ундан юқори (бир томонга)

- алоҳида ажратилган жойларда ёки навбатсиз рўйхатдан ўтиш
- самолёт саломи ўртасидаги жойлар ва қиялик бурчаги катта суянчиқли янги, қулай креслолар
- мазали таомлар, сафар тўпламлари
- парвоз қилиш кўнини бепул ўзгартириш ва авиачипталарни жаримасиз қайта топшириш

Тел.: 233-99-35, 233-76-38, 383-44-25. www.transaero.ru

Сўз — фестивалъ қатнашчиларига

Фестиваль илк бор ўтказилганига қарамай, унда иштирок этишга бўлган қизиқиш жуда оқори бўлди. Аввалгида халқ сайилларида беш минг нафар киши иштирок этиши режалаштирилган бўлса, фестивалъ кунлари бу кўрсаткич 30 мингдан ошиб кетди. Анжуманда иштирок этиш ниятида Китобга маҳаллий мутахассисларимиз билан бир қаторда Япония, Франция, Хитой, Болгария, Австриядан келган маданият ва санъат арбоблари, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хорижий мамлакатлар дипломатия ваколатхоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрди.

Байрам тўғрисидаги таассуротлари билан ўртоқлашар экан, Китобга ўз турмуш ўртоғи билан келган **Жаҳон банки ваколатхонасининг раҳбари Брефар Лу**, жумладан, шундай деди:

— Бу ажойиб тадбир Ўзбекистон тарихида ўзига хос ўрин тутган қадимги Кеш ҳудудида ўтказилаётганидан биз жуда мамнунмиз. Халқининг анъаналари, санъати, миллий таомлари ва маданиятининг турли қирралари билан яқинроқ танишиш имконига эга бўлганимиздан бахтиёрмиз. Бу ернинг одамлари жуда очикўнгил ва меҳмондўст экан. Фестиваль нафақат хорижликлар, балки маҳаллий аҳолида ҳам улкан қизиқиш уйғотгани диққатга сазовор. Бу тадбир халқининг томонидан қадим-қадимдан то ҳозирга қадар етиб келган маданий қадриятларни асраб-авайлашга бўлган интилишни яна бир бор намоийш этди. Журналистлар билан суҳбати чоғида **Жанубий Африка Республикасининг Ўзбекистондаги фахрий консули рафикаси Фелисите Тимке** қуйидагиларга эътибор қаратди:

— Бу жуда ажойиб тадбир ва мен унда иштирок этаётганимдан бениҳоя мамнунман. Фестивалда намоийш этилган барча санъат турлари орасида менга тўқимачилик ва сопол буюмлари айниқса, манзур бўлди. Бундан ташқари, **Хоразм гиламлари** ва улардаги ранглар жиноси ҳамда моҳирона уйғунлиги алоҳида таҳсинга сазовор. Намойиш этилган миллий либослар ва нафис гиламларнинг ранг-ранг бўёқлари унутилмас таассурот уйғотди. Ўзбекистонда 9 йилдан буюн яшаётганимга қарамай, Қашқадарёга илк бор келишим. Бу ердаги яшиллик бурканган адирлару сўлим гўшалар менга ўз она ватанимни эслатди.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Анна Паолини эса фестивалдаги ўз фарзандлари билан келди.

— Анжуман болаларда, айниқса, катта қизиқиш уйғотди. Улар бу ерда том маънода яйрашмоқда. Менинг фарзандларим ҳам юртингизнинг ноб маданияти билан танишиш имкониятига эга бўлганидан хурсандман. Ташкилотчилар тадбир жойини танлашда аддшамабди. Бизни ям-яшил далалар, инсонни хайратга солувчи табиат манзараси ром этди. Фестивалда намоийш этилаётган маданият ва санъат йўналишларининг кўлами ва хилма-хиллигини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Одатда, фестиваллар санъатнинг алоҳида бир йўналишига бағишланади. Масалан, мусиқа фестиваллари ёки халқ амалий санъати фестиваллари шулар жумласидандир. Бу ерда эса мамлакатининг барча вилоятларида мавжуд бўлган санъат турлари ва йўналишларидан баҳра олса бўлади. Бунда ташкилотчиларнинг алоҳида хизматлари муҳассамадир.

Миллий либослар томошаси фестивалнинг ўзига хос жиҳати бўлди. Тошкент, Сурхондарё, Бухоро, Наманган ва бошқа вилоятлардан келган дизайнерлар ўзининг 77 либосдан иборат бўлган ўн та тўпламини намоийш этди.

Тадбирни еритиш учун келган **Туркиянинг «Жиҳан» ахборот агентлиги муҳбири Атиф Ала:**

— Фестиваль гузалликда бетакроор масканлардан бирида ўтаётгани қувонарли. Гузал табиат, ўзига ром этувчи тоғлар — буларнинг барчаси одамларнинг ҳис-туйғулари билан ҳаммаҳангдир. Унинг «Асрлар садоси» деб номлангани ҳам катта маънога эга. Зеро, асрлар давомида кўлаб авлодлар ўзбек халқининг бой маданиятини асраб-авайлаб келмоқда. Фестиваль биз хорижий меҳмонларда унутилмас таассурот қолдирди. Келажақда ўзбек маданиятининг ушбу ажойиб байрамга жаҳоннинг бошқа мамлакатлари вакиллари ҳам жўр бўлишини истар эдим. Шу билан бирга, тадбирни еритишда иштирок этаётган журналистлар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилганини таъкидламоқчиман. Фестиваль тоғли ҳудудда ўтказилганига қарамай, матбуот марказида маълумотларни хорижа мунтазам ва тезкор узатиб туриш учун ҳамма имкониятлар мавжуд бўлди. Биз тадбирнинг боришини тўлиқ қамраб олишимиз, иштирокчи ва меҳмонларнинг фикрлари билан танишимиз учун зарур маълумотлар тақдим этилди.

— Натижалар шунч қўрсатдики, бу каби фестивалга эҳтиёж жуда оқори бўлиб, у кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. — деди **ташқиллий кўмита аъзоси Алишер Алима-тов**. — Фестиваль биз кўпганимиздан ҳам кенгрок акс-садо берди. Бу фикрни фақатгина ташкилотчилар эмас, балки кўлаб меҳмонлар, жумладан, хорижий иштирокчилар ҳам кўлаб-қувватлашмоқда. Тадбир халқимизнинг миллий маданияти, анъаналари ва ижодий салоҳиятини ҳар жиҳатдан тўлиқ намоён этди. Бу эса янги гонлар, янги лойиҳа ва маданият йўналишларини ривожлантириш учун яқин туртки бўлиб хизмат қилади.

Санъатнинг том маънодаги улкан ва ёрқин байрамга айланган «Асрлар садоси» фестивали иштирокчи ва меҳмонларга халқимизнинг узок ўтмишга бориб тақалувчи ажойиб анъаналари ва серқирра маданиятига ошно бўлиш имкониятини тақдим этди.

Насиба СОБИРОВА, «Жаҳон» АА шарҳловчиси, Тошкент-Китоб-Тошкент.

CHIROYLI RAQAMLAR 2 BAROBAR ARZON!

Aksiya 2008 yil 25 maygacha davom etadi! O'zingiz uchun chiroyli raqamni tanlang! Narxlar 5 dollardan boshlab!

Endi maxsus raqamlarni 50% chegirma bilan olishingiz mumkin!

Raqam turlari	Narxi	Chegirmali narxi*
Bronze	\$10	\$5
Silver	\$30	\$15
Gold	\$100	\$50
Platinum	\$200	\$100
VIP	\$400	\$200

* faqat aksiya davomida

coscom

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 36374 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 233-52-55;
Котибонат 233-10-28; Эълолар 236-09-25.

Спорт • Sport • Спорт



Футбол бўйича Ўзбекистон XVII миллий чемпионатида саккизинчи тур учрашувлари ортда қолди.

Дурангга бой тур

Чемпионат пешкадаларидан «Қурувчи» ўз майдонида «Локомотив» ни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратган бўлса, «Пахтакор» Наманганнинг «Навбахор» жамоасини 3:0 ҳисобида доғда қолдирди.

Ушбу турнинг қолган учрашуваридида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Қизилқум» — «Насф» 2:0, «Шўртан» — «Динамо» 1:1, ОТМК — «Бухоро» 0:0, «Металлург» — «Нефчи» 1:1, «Андижон» — «Сўғдиёна» 0:0, «Машъал» — ЎзДонЖу 1:0.

«Пахтакор» ва «Қурувчи» рейтингда юқорилади

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси — IFFHS дунёдаги энг кучли футбол жамоаларининг май ойига мўлжалланган янги рейтингини эълон қилди.

Рейтинг жадали жамоаларнинг 2007 йилнинг 1 майдан 2008 йилнинг 30 апрелигача бўлган даврда расмий учрашуварларда эришган натижаларига қараб тузилган. Аҳамиятлиси, рейтингда «Пахтакор» ва «Қурувчи» жамоалари ўтган ойга нисбатан қарийб юз поғона юқорилашга эришган.

Жумладан, «Пахтакор» 98,0 балл билан 214-ўридан 133-ўринга, «Қурувчи» эса 94,5 балл тўлаб, 257-ўридан 147-ўринга кўтарилишга муваффақ бўлди. Вакилларимиз Осиё жамоалари ичида кучли ўнликда қайд этилган.

Эслатиб ўтамиз, IFFHS рейтингига дунёдаги 350 та етакчи жамоа киритилган, холос.

Полвонларимиз галабаси

Ростов-Дон (Россия)да юнон-рум кураши бўйича йirik халқаро турнир якунланди.

Унда Россия, Украина, Туркия, Туркменистон, Молдова, Беларусь, Арманистон, Қозоғистон, Литва ва Ўзбекистондан борган ёш полвонлар голиблик учун гиламга чиқдилар.

Халқаро турнирда ҳамюртимиз Ахор Кузбаков (42 килограмм) яхши натижага эришди. У ўз вази тоифасида Озарбойжон, Россия ва Туркия мамлакатлари полвонларини енгиб, олтин медаль соҳиби бўлди. Шерзод Курбонов (50 килограмм)га кумуш, Дилшод Турдиев (69 килограмм)га эса бронза медаллари насиб этди.



З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

«Олтин водий» совриндорлари

Андижондаги спорт коллежи манежида қаратэ бўйича «Олтин водий» очик турнири бўлиб ўтди.

Беллашуварларда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган беш юз нафардан зиёд спортчи ўз маҳоратларини намоийш этдилар.

Яқунда Зайнобиддин Йўлдошев, Хусанбой Жабборов, Илхомжон Умаров, Аббос Кутбиддинов сингари устозлар

қўлида маҳоратини ошираётган андижонлик ёш қаратэчилар умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритишди.

Иккинчи ва учинчи ўринлар Тошкент шаҳри ҳамда Самарқанд вилояти спортчиларига насиб этди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Яқуний босқич бўсағасида

«Баркамол авлод-2008» спорт ўйинлари яқуний босқичида Хоразм вилояти ёшлари совриндорлар сафидан жой олишни мақсад қилиб қўйилган.

Спорт байрами яқинлашган сайин ҳозирлик ишлари ҳам кўчайиб бормоқда.

Касб-хўнар коллежлари ва академик лицейлар биринчилигида 27762 ўқувчи ёшлар иштирок этишган бўлса, туман, шаҳарлар биринчилигида 7150 нафар, вилоят босқичида 2400 ўқувчи ёшлар қатнашдилар. Уларнинг орасидан 164 нафари, яъни энг иқтидорли, энг саралари Қорақалпоғистонда бўладиган яқуний босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилади.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонуничилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 36374 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 233-52-55;
Котибонат 233-10-28; Эълолар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер маркази териялди ҳамда операторлар **Жамшед Тоғаев** ва **Мухаммадли Бегмуратов** томонидан саҳифаланди.

Т-Тажрат материал

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи котиб — А. Орпнов.
Набатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Набатчи — С. Ҳайдаров.
Мусахҳаҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 21.25 Тошпирилди — 22.25 1 2 3 4 5 6